Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

23 октябрь 1971 йил, шанба ◆ № 246 (15.116). ◆ Баҳоси 2 тийин.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

Андижон области. Бўз районидаги Мирзаахмедов номли совхоз шолинкорлари 150 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Суратлар да: ҳар куни ўз комбайни билан 10 тонна шоли ўриб йиғиб олаётган илғор механизатор Т. Худойбердиев. (юқорида). Пастда эса колхозда шоли ўрими.

Р. Ашуров фотолари. (ЎзТАГ).

ПАХТАМИЗ НОБУД БЎЛМАСИН

Пахтамиз тўрт миллион тоннага етиб қолди. Сирдарё ва Тошкент областларининг пахтакорлари ғалаба рапортига имзо чекканларига анча бўлди. Андижон ва Наманган областларининг деҳқонлари ҳам зафар қучдилар. Яна бир ғайрат-шижоат кўрсатсак, 4 миллион 400 минг тонналик съезд йили маррасини эгаллаймиз. Коммунистик партия, Совет ҳукуматига Ватан амрини ижро этдик, деган рапорт берамиз.

Пахта учун курашнинг энг ҳал қилувчи даврига кирдик, деҳқон ибораси билан айтганда, ғалвир сувдан кўтариладиган фурсат келди. Шу куннинг вазифаси — суръатни сусайтирмаган ҳолда тайёрлов пунктларига кўпроқ пахта топширишдан иборат. Планларини бажарган хўжаликлар ҳам, бажариш арафасида турганлар ҳам, орқада қолаётганлар ҳам баравар ғайрат отига қамчи босишлари зарур. Далаларимизда ҳосил кўп. Лекин у чаноқларда турибди. Шу кунларда териб олмасак, юқори сорт билан давлат тайёрлов ташкилотларига жўнатмасак, ёмғир эзиб юборади, пахта нобуд бўлади. Бунга сира йўл қўйиб бўлмайди.

Фурсатни ғанимат билган Хоразм области ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг меҳнат аҳли кунлик ўсишда яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Область ва Автоном республика хўжаликларида бутун куч, техника воситалари, ички резервлар суръатни кўтаришга сафарбар этилмоқда. Кўп ва тоза пахта териш учун бошланган мусобақа умумхалқ ишига айланди. Терилган пахта пешма-пеш тайёрлов пунктларига жўнатиляпти. нобудгарчиликка қарши қаттиқ кураш олиб бориляпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидаги «Бугун ҳаммамиз пахтакормиз. Ҳаммамизнинг ўрнимиз етиштирилган мўл ҳосил тез суръатлар билан йиғиб олинаётган кураш майдонида — пахтазорда» деган шиор тобора кудратли янграмоқда.

Бироқ республикамизнинг Қизилтепа, Когон, Каттақўрғон, Бағдод, Чимбой каби районларида пахта тайёрлашда кескин бурилиш ясалмаяпти, терим суръатини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган машиналар тўла ишга туширилмаяпти. ишлаётганларининг меҳнат унумдорлиги паст.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатида механизаторларимиз олдига жуда катта вазифалар қўйилган, улар икки миллион тонна пахтани машиналарда териш ҳақидаги мажбуриятини шараф билан бажарадилар, деб ишонч билдирилган. Шу куннинг вазифаси терим машиналаридан иложи борича тўлароқ фойдаланишдан иборат. Бирорта машина пайкалдан чиқиб кетмасин, тўла қувват билан ишласин, кунлик графикни тўла ва ошириб бажарсин. Турли сабаблар билан пайкалдан чиқиб кетган машиналар дарҳол изига қайтарилсин.

Пахтакорларимиз тўкилган пахтани терадиган, кўсак узадиган ва кўрак чувийдиган машиналар ҳамда агрегатларга эга. Улар шу кунларда ишлатилмаса, қачон ишлатилади? Терим машиналари ва механизаторлар учун қандай норма белгиланган бўлса, ана шу забардаст машиналар ва уларни моҳирлик билан бошқараётган кишилар учун ҳам кунлик нормалар белгиланиши, иш соатлик график асосида ташкил қилиниши, машиналар ва агрегатларнинг бекор туриб қолишига сира йўл қўйилмаслиги керак. Шунинг учун ҳам Мурожаатда «Биз сизларни, пахтазор баҳодирларини машинадан тўла фойдаланишга, техникани тўла ишга солишга чақирамиз: пахта терадиган, кўсак терадиган, тўкилган пахтани терадиган, кўсак чувийдиган машиналарнинг ҳаммаси далага чиқарилсин ва бекамн кўст, тўла ишлатилсин!» дейилган.

Нобудгарчиликка қарши курашнинг муҳим шарти — ҳамма турдаги машиналардан самарали фойдаланишдир. Афсуски, шунга қарамай, айрим колхоз ва совхозларда улардан ишнинг кўзини билиб фойдаланилмаяпти, катта маблағ сарфланиб харид қилинган агрегатлар автотрактор паркларида занг босиб ётибди, машиналар бажарадиган ишлар қўл кучида қилиняпти. Бу билан пахтанинг нобуд бўлиши хавфи туғиляпти, маҳсулот таннархи қимматга тушяпти. Пайкаллардаги қолган ҳосил тез фурсатда саранжом-сариштаалб олинмай, кузги шудгорни бошлаш, келаси йил мўл ҳосилига замин яратиш кечиктириб юборияпти. Партия ташкилотлари бу камчиликни тезда тугатиш чораларини кўришлари, барча машиналар ва агрегатларни тўла қувват билан ишлатишни хўжалик раҳбарларидан қаттиқ талаб қилишлари керак.

Халқимизда нонинг увоғи ҳам нон деган мақол бор. Шунга ўхшаш, пахтанинг бир мисқоли ҳам пахта. Унинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик бутун жамоатчиликнинг муқаддас бурчидир. Шуни унутмаслик керакки, Ватан омборига уюлган тўрт миллион тоннага яқин пахтамиз граммлардан бунёдга келди. Қолган граммлар, килограммлар, центнерлар учун қаттиқ кураш олиб борсак, исроф бўлишига йўл қўймасак хирмонимизга барана киради, зиммага олган социалистик мажбуриятимиз шараф билан бажарилади. Партия ташкилотлари ҳар грамм пахта учун курашни намунали ташкил қилишлари, бу сиёсий аҳамиятга эга бўлган ишда коммунистлар, комсомолларнинг авангардлик ролини таъминлашлари керак.

Қалбида виждони, билагида кучи бор ҳар бир кишининг ўрни шу кунларда пахтазорда бўлмоғи, ҳалол меҳнат билан кўп ва тоза дурдона термоғи, нобудгарчиликка қарши курашмоғи керак. Ҳар мисқол пахтани кўз қорачиғидек асрайлик, тезроқ йиғиб-териб давлатга топшириб, съезд йили социалистик мажбуриятимизни шараф билан адо этайлик!

РЕСПУБЛИКАМИЗ ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Улуғ Октябрнинг 54 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашаётган республикамиз пахтакорлари ингичка толали пахта тайёрлаш планини бажардилар. Давлатга 157 минг тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб берилди.

Сурхондарё областининг хўжаликлари тайёрлов пунктларига 95 минг тоннадан зиёд, қашқадарёликлар 31 минг тонна, бухороликлар 15,6 минг тонна ингичка толали пахта топширдилар.

Республика бўйича планнинг бажарилишига Фарғона, Наманган ва Андижон областларининг хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Ингичка толали пахта тайёрлашда Жарқўрғон районининг хўжаликлари катта муваффақиятга эришдилар. Бу ерда ҳар гектар ердан 32 центнердан шу навли пахта ҳосили олинди. Термиз, Ульянов ва Косон районларида ингичка толали пахта тайёрлаш қизғин боряпти.

Давлатга ингичка толали пахта топшириш жадал давом эттирилаяпти.

ЯНГИ ТЕХНИКА КЎРИГИ

Республиканинг раҳбар ходимлари 21 октябрда Ўрта Осиё машина синаш станциясига бориб, янги пахта териш машиналарининг намуналарини кўздан кечирдилар. Шу машиналардан бири — қатор оралари 90 сантиметрли пахтазорларда ишлаш учун мўлжалланган тўрт қаторли «Ўзбекистон» пахта териш машинаси МТЗ-50 трактористга тиркаб ишлатилади, биринчи теримда кунига 15 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахтани териб бера олади. Бу машинани кўплаб ишлаб чиқариш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Тажриба учун тайёрланган техника намуналари ҳам кўздан кечирилди. Шундай машиналардан бири ғўза шохларидаги кўсакларнинг пахтасини муайян қаторлаб териб беради. Бундай машина уруғлик пахтани териш ва ҳосилни навларга қараб алоҳида-алоҳида териш учун катта аҳамиятга эга. Қатор оралари 60 сантиметрли пахтазорларда ишлатиш учун мўлжалланган тўрт қаторли машина ихчам терим аппаратлари билан таъминланган бўлиб, ўзининг жўнлиги, пухта ишлаши ва ўнгай бошқарилиши билан фарқ қилади.

Пахта териш машиналарининг янги аппаратлари ҳамда металлгентадан, полимер материаллардан ва бошқа шу қабилардан ясалган янги конструкциядаги шпинделлар билан таъминланган машиналар кўздан кечирилди. Бу шпинделлар ҳосилни яхши териб олишни таъминлайди, кўсат тиқилиб қолмайди ва пахта ўралиб қолмайди.

Пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун трактор тележкаларига ўрнатиладиган янги занжирли қурилмаларнинг истиқболи жуда катта. Булар тормозли аппаратлар билан қўшиб ишлатилганида айни бир вақтда тўртта ва ундан ортиқ тележкани трактористга тиркаб қўйишга имкон беради, шу туфайли ташиладиган пахтанинг миқдори икки баравар кўпайтирилади ва ҳаракатнинг бехатар бўлиши ҳам таъминланади.

Янги машиналар кўздан кечирилаётганида Ўрта Осиё машина синаш станциясининг директори И. Эгамбердиев, Ўрта Осиё механизациялаш ва электрлаштириш институтининг директори М. С. Ғаниев, пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг бошлиғи Е. П. Радкевич, етакчи конструкторлар ва олимлар М. Н .Марков, П. Ф. Глазатов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Х. Х. Усмонхўжаев ва бошқалар изоҳ бериб бордилар.

Янги техникани кўздан кечиришда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг бюро аъзолари Н. Г. Анисимкин, А. Д. Бесчастнов, И. Р. Курбонов, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахонов қатнашдилар.

Ш. Р. Рашидов олимлар ва конструкторларга самарали меҳнатлари учун ташаккур айтди, уларга янги техникани яратишда тағин ҳам катта муваффақиятлар тилади.

Янги терим техникаси пахта теришни комплекс механизациялашга тағин ҳам кенг имкониятлар очиб беради.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Сурия Араб Республикаси халқ кенгашининг раиси Аҳмад Хатиб бошчилигидаги шу кенгаш делегацияси Ўзбекистон билан танишиб чиқишни тугаллади.

Меҳмонлар республика бўйлаб қилган сафари вақтида Бухорода бўлиб, бу ердаги, тарихий ёдгорликлар билан, шаҳарнинг ҳозирги ҳаёти билан қизиқдилар. Делегация аъзолари Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида бўлиб, ирригация иншоотлари билан танишдилар.

Сурия парламентининг аъзолари Тошкентга қайтиб келганларидан кейин республика пойтахтининг диққатга сазовар жойларини, янги қурилишларини кўздан кечирдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов 22 октябрда Сурия Араб Республикаси халқ кенгаши делегацияси шарафига зиёфат берди. Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Суриялик меҳмонлар шу куниёқ Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар. Аэропортда делегацияни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, Республика Олий Советининг раиси С. Х. Сирожиддинов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. Р. Ҳўжаев, республика Олий Совети Президиумининг секретари Ҳ. М. Пўлатова, СССР Олий Советининг ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари узатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

4.400.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 22 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Пландан ортиқча топшириққа нисбатан)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Машинада бир кунда	Машинада мавсум бошидан
СИРДАРЁ	1,18	113,98	0,71	132,18
ТОШКЕНТ	1,00	106,09	0,59	100,33
НАМАНГАН	1,03	101,35	1,76	107,29
АНДИЖОН	0,78	100,82	1,29	97,21
Хоразм	2,37	96.88	2,30	74,63
Самарқанд	1,37	96,43	1,61	103,51
Қашқадарё	0,80	92,21	0,55	61,59
Сурхондарё	0,75	92,02	0,38	81,80
Бухоро	1,09	91,53	1,01	100,01
ҚҚАССР	1,44	86,97	1,38	72,03
Фарғона	1,01	86,55	1,57	84,15
Республика бўйича:	1,15	96,90	1,18	95,43

Шу жумладан, ингичка толали пахта:

Қашқадарё	бир кунда	2,39	мавсум бошидан	94,28
Сурхондарё	бир кунда	1,25	мавсум бошидан	87,97
Бухоро	бир кунда	2,02	мавсум бошидан	85,51
Республика бўйича:	бир кунда	1,74	мавсум бошидан	100,19

УЛКАН ОДИМ

СССР саноатининг 1971 йил тўққиз ойлик давлат планини бажариш якунлари тўғрисида СССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

Саноат ходимлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 54 йиллигини муносиб кутиб олиш ва тўққизинчи беш йиллик биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун мусобақалашиб, реализация ҳажми ва саноат маҳсулотининг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан тўққиз ойлик планни муваффақиятли бажардилар, дейилади СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахборотида. Саноат ишлаб чиқариши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8 процент ўсди. Саноатда меҳнат унумдорлиги 6,5 процент кўпайди.

Саноатнинг энг муҳим тармоқлари маҳсулот ишлаб чиқаришни 1970 йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан қуйидаги миқдорда оширди: электроэнергетика саноати—9 процент, ёқилғи саноати—6 процент, қора ва рангли металлургия—6 процент, химия ва нефть химияси саноати—11 процент, машинасозлик ва металл ишлаш саноати—11 процент, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати—6 процент, бинокорлик материаллари саноати—8 процент, енгил саноат—8 процент, озиқ-овқат саноати—5 процент. Маданий-маиший ва рўзғор товарлари ишлаб чиқариш 11 процент кўпайди.

Бутуниттифоқ ва иттифоқ-республика Саноат министрликларининг ҳаммаси, барча иттифоқдош республикалар тўққиз ойлик планни оширди бажардилар.

Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан электр энергияси 46 миллиард киловатт-соат, нефть 17 миллион тонна, газ 12 миллиард кубометр, кўмир 13 миллион тонна, чўян 2,2 миллион тонна, пўлат 3,7 миллион тонна, қора металлар прокати 2,5 миллион тонна, пўлат қувурлар 62 миллион метр, минерал ўғитлар 5 миллион тонна, пластик масса ва синтетик смола 147 минг тонна, химиявий тола 41 минг тонна, металл қирқувчи станоклар 66 миллион сўмлик, темирчилик-пресс машиналари 16 миллион сўмлик, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси приборлари, воситалари 383 миллион сўмлик, химия машина-ускуналари 45 миллион сўмлик, юк вагонлари 4,4 минг дона, юк автомобиллари 36 минг дона, енгил автомобиллар 131 минг дона, трактор прицеплари 35 минг дона, қишлоқ хўжалик машиналари 131 миллион сўмлик, қоғоз 190 минг тонна, картон 126 минг тонна, цемент 4,1 миллион тонна кўпроқ ишлаб чиқарилди. Рангли ва нодир металлар, нефть химияси маҳсулотларини ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш ва маҳсулотнинг бошқа кўпгина турларини ишлаб чиқариш ортди.

Халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қуйидаги миқдорда кўпайди: газламанинг ҳамма турлари—269 миллион квадрат метр, кийим-кечак—761 миллион сўмлик, ички ва устки трикотаж—34 миллион дона, мол ёғи—36 минг тонна, ўсимлик мойи—135 минг тонна, консерва—409 миллион банка, синтетик ювиш воситалари—19 минг тонна, радио приёмник ва радиолалар — 731 минг дона, холодильник—341 минг дона, мебель—198 миллион сўмлик.

Корхоналар ишининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди. Электр станцияларида ёқилғи сарфлаш икки процент камайди. Қора металлургияда домна печларининг фойдали ҳажмидан фойдаланиш 0,8 процент яхшиланди. Цемент саноатида айланма печларнинг соатлик иш унуми тўрт процент ва тегирмонларнинг иш унуми уч процент ошди. Тўқимачилик саноати корхоналарида йигириш ва тўқиш машина-ускуналарининг иш унуми кўпайди.

Саноат маҳсулотининг таннархи камайтирилди. Тўққиз ойлик фойда олиш плани бажарилди.

СССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида яна қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: саноатда ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш учун резервлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётир. Барча министрликлар тўққиз ойлик планни бажарганлари ҳолда корхоналарнинг бир қисми маҳсулотни реализация қилиш ва фойда олиш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармади. Олтингугурт кислотаси, нефть аппаратлари, иморатбоп ёғоч, иморатбоп ғишт ишлаб чиқариш, газлама, кийим-кечак ва трикотаж буюмларининг айрим турларини, шунингдек чарм пойафзал, балик маҳсулоти, консервалар ва маҳсулотнинг бошқа баъзи турларини ишлаб чиқариш тўққиз ойлик плани бажарилмай қолди. Маҳсулотни зарур ассортиментда ишлаб чиқариш ҳамма жойда ҳам таъминланаётир, деб бўлмайди.

Илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари ва саноат корхоналари фан-техникани ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этиш, янги машиналар, ускуналар, аппарат ва приборларнинг намуналарини яратиш, саноат маҳсулотининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва янги технология процессларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни тобора механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида иш олиб бордилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Саккизинчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг учинчи сессияси 1971 йил 24 ноябрда Москвада чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил, 22 октябрь.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ СТУДЕНТЛАР БУТУНИТТИФОҚ СЛЕТИДАГИ НУТҚИ НАШР ЭТИЛДИ

ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Молодая гвардия» нашриёти «Л. И. Брежнев. Студентларнинг Бутуниттифоқ слётида 1971 йил 19 октябрда сўзланган нутқ» деган брошюрани нашр этди.

Брошюра оммавий тиражда чиқарилди. (ТАСС).

А. Н. КОСИГИН КАНАДАДА

ОТТАВА, 21 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин кеча ҳукумат конференциялар марказида ўтказилган матбуот конференциясида сўзлаган нутқида Канадага қилган ҳозирги расмий визити билан боғланган таассуротини сўзлаб берди.

Шу кунларда, деди А. Н. Косигин, Бош министр П. Э. Трюдо билан, Канада ҳукуматининг аъзолари билан, Канада жамоатчилиги турли доираларининг вакиллари билан, Канада ишчилари, зиёлилари, олимлари билан учрашдик. Бу — дўстона ва фойдали учрашувлар бўлди. Биз Канадада кўздан кечираётган нарсалар бу мамлакатнинг муваффақиятлари тўғрисида, унинг иқтисодий тараққиёти ва техника маданияти юксак даражага кўтарилганлиги ҳақида тасаввур беради. Айни вақтда, деди Совет ҳукуматининг бошлиғи, канадаликларнинг Совет Иттифоқига нисбатан дўстона муносабатларига ва канадаликлар ҳақидаги, Оттава аҳолиси тўғрисидаги яхши таассуротларимизга антисовет гуруҳларнинг ҳар қандай ғаразли хуружлари доғ тушира олмаслигини кўриб турибмиз.

А. Н. Косигин меҳмондўстликлари учун Канада ҳукуматига, Бош министр Трюдога ва Канада халқига миннатдорчилик изҳор қилди. Бу меҳмондўстлик, деди у, Канаданинг Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатларни ривожлантиришга жиддий интилаётганлигини шубҳасиз кўрсатиб турибди.

Шу кунларда, деди А. Н. Косигин, Канада гражданларидан кўп телеграммалар, хатлар олдик, уларнинг телефон орқали айтган гапларини эшитдик. Улар Канада билан Совет Иттифоқи ўртасидаги

[Давоми иккинчи бетда].

А. Н. КОСИГИН КАНАДАДА

(Бошн биринчи бетда).

яхши муносабатларга халақит бермоқчи бўлган кишиларнинг масъулиятни сезмай қилаётган ҳуружларидан ғазабланганликларини ва уятдан мўлзам бўлганликларини изҳор этадилар.

Бош министр Трюдо билан суҳбат давомида халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқи билан Канада ўртасидаги муносабатлар масалалари юзасидан батафсил фикрлашиб олдик. Бу суҳбатлар Трюдо яқинда визит билан Совет Иттифоқига келган вақтда ўтказган суҳбатларимизнинг давоми бўлди. Бу суҳбатлар мамлакатларимизнинг актуал масалаларда тутган позицияларини яна бир марта таққослаб кўриш, бу позицияларда фикрларимиз бир-бирига тўғри келган нуқталарни аниқлаш, бир қанча халқаро проблемалар юзасидан СССР ва Канада қарашларининг яқинлиги ва бир-бирига мослигини аниқлаш имконини берди.

СССР Министрлар Советининг Раиси мамнуният билан айтдики, СССР ва Канада ҳукуматларининг ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга интилаётганликлари Оттавада яна бир марта таъкидланди. А. Н. Косигин бундай учрашувлар пировардида Совет—Канада ҳамкорлигини ривожлантириш учун янги имкониятларни қидириб топишга олиб келади, деган фикрни изҳор қилди.

Ҳар иккала мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда, деб уқтириб ўтди А. Н. Косигин, ҳар икки томоннинг манфаатларини ҳисобга олиб ҳал этиш мумкин бўлмаган ва дўстона ҳамкорликни ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган масалалар йўқ. Бундан ташқари, СССР ва Канаданинг иқтисодий тараққиёт соҳасида бир-бирига ўхшаш проблемалари оз эмас. Совет ҳукумати Совет Иттифоқи билан Канада ўртасидаги икки томонлама алоқаларни кенгайтириш йўлидан бундан буён ҳам ҳаракат қилиб боришни назарда тутади.

Сўнгра СССР Министрлар Советининг Раиси бир қанча халқаро проблемаларга ва Совет—Канада муносабатларини янада ривожлантириш истиқболларига доир кўп саволларга жавоб қайтарди.

ОТТАВА, 21 октябрь. **[ТАСС махсус мухбири].** СССРнинг Канададаги элчиси Б. П. Мирошниченко кеча кечқурун СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин шарафига расмий қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Канада Бош министри Пьер Эллиот Трюдо ва бошқа расмий кишилар, шунингдек, Канада савдо-саноат доиралари ва жамоатчилигининг вакиллари бор эди.

Қабул маросими дўстона вазиятда ўтди.

ОТТАВА, 21 октябрь. **[ТАСС махсус мухбири].** 20 октябрда СССРнинг Канададаги элчихонасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин Канада Коммунистик партиясининг Бош секретари У. Каштан, Канада Компартиясининг раҳбарлари А. Дьюхерст, Б. Магнусон ва Н. Фрид билан учрашди.

Суҳбат самимий, ўртоқларча вазиятда ўтди. Суҳбатда СССРнинг Канададаги элчиси Б. П. Мирошниченко ҳозир бўлди.

ОТТАВА, 21 октябрь. **[ТАСС махсус мухбири].** СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари бугун эрталаб махсус поездда Оттавадан Монреалга жўнаб кетдилар.

Совет ва Канада давлат байроқлари билан безатилган Оттава вокзалида А. Н. Косигинни Канада Бош министри Пьер Эллиот Трюдо, ҳукумат аъзолари ва бошқа расмий кишилар узатиб қолдилар. Узатиб қолувчилар орасида Канададаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари бор эди.

Узатиб қолиш вақтида СССР ва Канада давлат гимнлари ижро этилди. А. Н. Косигин П. Э. Трюдо билан бирга саф тортиб турган фахрий қоровул олдидан ўтди.

А. Н. Косигин Монреаль, Ванкувер, Эдмонтон ва Торонто шаҳарларида бўлади. Бу сафарда ҳукуматнинг сенатдаги раҳбари П. Мартин ва бош министрнинг парламентдаги секретари Б. Дансон А. Н. Косигинга ҳамроҳ бўладилар. Бу сафарда А. Н. Косигин билан биргаликда Грузия ССР Министрлар Советининг Раиси Г. Д. Жавахишвили, СССР денгиз флоти министри Т. Б. Гуженко, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари С. П. Козирев, СССР госплани раисининг ўринбосари М. И. Мисник, СССРнинг Канададаги элчиси Б. П. Мирошниченко қатнашади.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Мамажон Дадажонов, Манноп Жалолов, Жавод Кўчиев қишлоқ хўжалик техникасининг синовчилари, пахтачиликни комплекс механизациялашнинг атоқли усталари бўлган бу кишиларнинг номларини ким билмайди дейсиз? Булар оддий трактор чи, комбайнчи, бригадир бўлиб ишлаб сира мағлубиятга учрамаганлар. Хатто энг оғир йилларда ҳам уларнинг экинзорлари табиий офатлардан омон қолган ва катта-катта ҳосиллар берган. Ўтган беш йилликнинг бошларидаёқ, уларнинг ҳар қайсиси бир мавсумда терим машинаси билан 350—400 тоннадан пахта териб берди. Бундай кўрсаткич ҳозирги кунда ҳам аъло баҳо олишга арзийди, минг-минглаб механизаторлар мана шундай кўрсаткичга эришишга интилмоқдалар.

Бундан бир неча йил аввал хўжаликларга раҳбарлик қилиш вазифаси уларга ишониб топширилди. Мамажон Дадажонов Мирзачўлдаги Ленин номли кўриқ совхозига директор қилиб тайинланди, М. Жалолов билан Ж. Кўчиев колхозларга раис бўлиб сайландилар. Уччала хўжаликнинг ҳаммасида иш муваффақиятли бормоқда.

Бу ёш раҳбарларнинг иш услуби учун характерли бўлган энг муҳим нарса шуки, улар пахтачиликни комплекс механизациялаш вазифасини ҳал этишда муайян мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқдалар.

Октябрь ойининг бошида мен совхоз далаларидан бирида Мамажон Дадажонов билан учрашиб қолдим. Директор ёш механизатор билан суҳбатлашмоқда, пахтани тозароқ териш учун шпиндель аппаратини қандай қилиб яхшироқ созлаш тўғрисида маслаҳат бермоқда эди. Уша куни хўжалик давлатга пахта сотиш планини бажарди. Мамажон деди:

— Саккиз ярим минг тонна пахтанинг ҳаммасини машиналарда териб олдик. Комбайнчиларнинг кўпи 200 тоннадан пахта териб берди. Тўлан Дадажонов эса тўрт юз тоннадан кўпрок пахтани машинада териб олди. Машиналарнинг ҳаммаси ишлаб турибди. Бинобарин, ялпи ҳосилни ўн минг тоннага етказамиз.

Ҳозир Ленин номли совхоз ўн бир минг тонна пахтани териб топширмоқда. Хўжаликдаги механизаторларнинг кўплари бир ярим, икки мавсум нормасини бажариб қўйишди, Т. Дадажонов эса ўзининг тўрт қаторли машинаси билан 600 тоннадан кўпрок пахта териб берди.

Пахтачиликда энг сермеҳнат иш бўлган пахта териш ишини Жавод Кўчиев ва Маннон Жалолов раислик қилаётган колхозларда ҳам механизаторлар ўз зиммаларига олдилар.

— Бизнинг колхозимиз, дейди Жалолов пахта етиштириш ва уни давлатга сотиш планини Андижон областида биринчи бўлиб бажарди. Биз бунга механизаторларимиз аъло ишлаганлиги туфайли эришдик.

Бу йил кузда Ўзбекистонда терим машиналари шу дамгача 1,6 миллион тоннадан кўпрок пахтани териб берди. Бу эса ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 350 минг тонна кўп. Кўпгина областларда пахтаси машина билан терилиб олинаётган майдонлар анча кенгайтирилди. Ҳозирги вақтда кўпгина хўжаликлар ҳосилнинг деярли ҳаммасини қўл меҳнатини ишлатмай териб олмоқдалар. Сирдарё областининг Дўстлик райони пахтани давлатга сотиш планини Ўзбекистонда биринчилар қаторида бажарди. Бу район давлатга элтиб берган 40 минг тонна пахтадан 39 минг тоннасини машиналарда териб олди. Мирзачўлда етиштирилган ҳосилнинг деярли ҳаммаси қўл меҳнатининг иштирокисиз териб олинмоқда. Мирзачўл механизаторлари йиллик планни бажаргач бўлсалар ҳам, аммо пахта теришни давом эттириб, мамлакатга яна қўшимча равишда 70 минг тонна пахта топширишга ваъда беришди. Шундай қилиб, машинада териб олинган пахтанинг миқдори ўтган йилдагидан 100 минг тонна ошириб юборилади.

Мирзачўлдаги кўриқ совхозларнинг тажрибаси республикадаги пахтачилик хўжаликлари раҳбарларининг ва мутахассисларининг диққатга эътиборини ўзига тобора кўпрок тортмоқда. Янги совхозларда пахта майдонларининг ҳаммасида ғўзаларни кенг қаторли қилиб жойлаштиришдек энг самарали усул тўла равишда амалга оширилди. Совхозлар меҳнат унумдорлигини анча оширишга ва ҳар бир центнер пахтани етиштириш учун ишчи кучи, материаллар ва маблағлар сарфлашни анча камайтиришга имкон берадиган кенг қамровли техника билан тўла равишда қуроллангандир. Бу совхозларда ҳар бир пахтакорга ўрта ҳисобда 7—8 гектар, яъни эски пахтачилик районларига қараганда 2—3 баравар кўп пахта майдони тўғри келади.

Мирзачўл механизаторлари план— буюртмани бажариш учун 26 кун вақт сарфладилар, холос. Улар четдан хашаровчилар чақирмай бу вазифани биринчи марта ўз кучлари билан бажардилар.

Ғўзаларни кенг қаторга жойлаштириш ва кенг қамровли техникадан фойдаланиш усули ўзининг шакшубҳасиз афзалликларини исботлади. Бу усул республиканинг бошқа районларига ҳам ёйилмоқда. Бу йил икки юз минг гектардан кўпрок ерга чигит кенг қаторли қилиб экилди. Сирдарё ва Тошкент областларининг хўжаликларида кенг қаторли экинлар майдони айниқса кўпайтирилди.

Сирдарё областининг колхозлари ва совхозлари давлатга пахта сотиш планини бу йил Ўзбекистонда биринчи бўлиб бажардилар. Улар мамлакатга пландаги 369 минг ўрнига ҳозир қарийб 415 минг тонна пахта етказиб бердилар. Ҳосилнинг 76 проценти машиналарда териб олинди. Тошкент области ҳам давлатга пахта сотиш планини ўтган йилдагига қараганда олдинроқ бажарди. Бу областда ҳосилнинг 63 проценти машиналарда териб олинди. Юқори Чирчиқ райони пахта тайёрлаш планини областда биринчи бўлиб бажарди. Бу ерда ҳам пахта тайёрлашнинг муваффақиятини механизаторлар ҳал қилдилар. Улар яхши созланган машиналар билан ҳосилнинг 75 процентини териб беришди.

Яқинда Наманган ва Андижон областининг хўжаликлари ҳам давлат планларини бажардилар.

Наманган областининг Поп районидаги Ленин номли колхоз пахтадан мўл ҳосил олиш билан республикада ном чиқарган. Баҳорда колхознинг чигитлари эндигина униб чиққанида ғўза ниҳолларини дўл уриб кетди. Пахта майдонининг учдан икки қисмига чигитни қайта экишга тўғри келди. Колхозчилар ҳар бир туп ғўзани авайлаб парвариш қилиб яхши ҳосил етказдилар. Лекин уларнинг пахтаси қўшни хўжаликлар пахта тайёрлаш планини 30-35 процентдан бажариб қўйган вақтда очилди. Бироқ Ленин номли колхоз қўшниларига тез етиб олди, терим бошланиши билан орадан уч ҳафта ўтгач, давлатнинг план—буюртмасини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Хўжалик қабул пунктига олти минг тонна аъло навли пахта етказиб берди. Бу пахтанинг 80 процентдан кўпроғи машиналарда териб олинди. Ҳар бир терим агрегати ўрта ҳисобда—100-150 тонна пахта териб берди. Комсомол қиз М. Сулаймонова эса ўз зангори кемасининг бункеридан 200 тоннадан зиёдроқ пахта тўкди. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Одиловнинг айтишига қараганда, колхоз далаларида ҳали пахта кўп, бинобарин бу хўжалик мамлакатга яна қўшимча равишда 2.000 тоннадан зиёдроқ пахта топшириши ва шу тариқа ҳар бир гектардан олинган ҳосилни 40 центнердан ҳам ошириб юборади.

Ўзбекистон хўжаликлари механизациялашнинг янги босқичига — пахта териш машиналарининг тўлиқ комплексини ва пахтани қўлда теришдан бутунлай воз кечишга имкон берадиган прогрессив технологияга ўтганликларини кўрсатувчи ўнлаб мисолларни Шеробод, Гагарин, Задарё, Оққўрғон, Избоскан, Бўз, Навоий ва бошқа районлардан ҳам келтириш мумкин. Бу йил кузда мана шундай технология Ўзбекистоннинг неча юз минглаб гектар ерида амалга оширилмоқда.

Йиғим-теримнинг ҳал қилувчи пайти бошланди. Республика хўжаликлари ҳозирча 3,9 миллион тонна пахта териб уни давлатга сотдилар. Ўзбекистон пахтакорлари тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида давлатга 4 миллион 400 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олганлар. Республика Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети дала меҳнатчиларига мурожаат қилиб, уларни пахта ҳосилини териб олишдаги ғайратни бўшаштирмасликка ва олинган мажбуриятларни октябрнинг 54 йиллигигача бажаришга чақирдилар. Бунинг учун ҳамма шарт-шароит бор.

А. УЗИЛЕВСКИЙ.
«Сельская жизнь» мухбири.
(«Сельская жизнь» 21 октябрь).

«Ўзбекхиммаш» заводи техника кутубхонасининг ходимлари корхона ишчи ва хизматчиларига иқтисодий билимларни ўрганишда яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Суратда: (чапдан) Ишлаб чиқаришни тайёрлаш бўлимининг инженери А. Лем, технолог Л. Аснаева, инженер А. Константинов ва катта инженер И. Дунин иқтисодий билимларга доир адабиётларни танламоқдалар.

О. Леван фотоси.

КИНОҲАВАСКОРЛАР КУНИ

Тошкент шаҳридаги маданият саройлари ва маданият уйларида ҳар йили ўтказиладиган киноҳаваскорлар анъанавий анжуманида янги яратилган кинофильмлар намойиш қилинди.

Қардош қозоқ киноҳаваскорлари тўқимачилар ва пойафзалчилар маданият саройларида ўз кинофильмларини томошабинларга кўрсатдилар. «Бошланиши 1943 йил», «Ҳолиш йўқ» деган кино ленталарни томошабинлар қизиқиш билан кутиб олдилар.

Э. ИБРОҲИМОВ.

ПЛИТАБОП ГРАНИТ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Самарқанд геология трести мутахассислари Молгузар тоғларидаги Курмаксойда қимматбаҳо гранит конларини топдилар. Курмаксойнинг кўнғир гранити жаҳонга машҳур Арманистон тошларини эслатади. Бу гранит плиталар тайёрлашда жуда қўл келади. Унинг дастлабки қазиб олинган тонналари Ўзбекистоннинг мармарини қайта ишлаш корхоналарига жўнатилмоқда.

К. МУСАМУРОДОВ.

ДАХБОРОТ

ОБЛАСТЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЯНГИЛИК САМАРАСИ

Қўқон ип йигирув-пайпоқ тўқув комбинатининг рационализаторларига инженер В. Ваньков бошчилик қилади. С. Муслимов, Ш. Иброҳимов, А. Умаров, А. Леонов, А. Дружинин, С. Саидхўжаев ва П. Лукин каби рационализаторлар меҳнатидан ҳамма мамнун. Ижодкорлар ташаббуси билан бу йил тушган 117 таклифдан 90 таси ишлаб чиқаришга татбиқ этилди ва 87 минг сўм тежалди.

Н. ПОЧЧАБОЕВ.

«ОЛАЧОПОН»

Ҳужайлининг «Олачопон» навли қовунини фақат қорақалпоғистонликлар билишарди. Энди у мамлакатимиз марказий қисмида ҳам оғизга тушиб қолди. Соҳибкорлар мана шундай ширин-шакар қовунлардан 2000 тоннасини Бошқирдистон АССР, Ленинград ва Куйбишев шаҳарлари аҳолиси ҳам татиб кўрсин деб жўнатишди.

Р. НАҲАТОВ.

* * *

Бундай хушхабарларни яна редакциямизга самарқандлик О. ҲАҚБЕРДИЕВ, андижонлик М. УТАНОВ, Т. МАВЛОНОВА, Қ. МАМАДАЛИЕВ, Т. МАМАСОЛИЕВ, қашқадарёлик М. ХОЛМУРОДОВ, Т. БОЙНАЗАРОВ, тошкентлик Т. ШОРАҲМЕДОВ, А. КУКИЕВ, Қ. МАЛИКОВ, Ш. НУРАЛИЕВ, наманганлик А. ЙЎЛДОШЕВ, сурхондарёлик Х. РАЖАБОЕВ, сирдарёлик Э. РУЗИБОЕВ, солдат А. ХУДОЙҚУЛОВ, фарғоналик А. МАҲМУДОВ ўртоқлар ҳам йўллашган.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИНИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кадрлар тайёрлашдаги, соғлиқни сақлашни ва медицина фанини ривожлантиришдаги хизматлари учун **Тошкент Давлат медицина институти Меҳнат Қизил Байроқ** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил, 21 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИНГ АЛОҲИДА УРНАК КУРСАТГАН ХОДИМЛАРИГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН ЎРМОН ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Узоқ йиллик, самарали иши ва республика ўрмон хўжалигини ривожлантиришдаги актив иштироки учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўрмон ходими» фахрий унвони берилсин:

Аблаев Сейжели Мамедович — Тошкент қишлоқ хўжалик институти ўрмон мелиорацияси кафедрасининг доценти.

Бегимов Дўстбой — Сурхондарё область Термиз ўрмон хўжалигининг ходими.

Дадахонов Қозоқ — Наманган область суғориш системалари бошқармаси ирригация ўрмончилиги хўжалигининг директори.

Ешчимов Дошчан — Қорақалпоғистон АССР Нукус механизациялаштирилган ўрмон хўжалиги Қипчоқ ўрмончилигининг ходими.

Қораҳулов Қозоқбой — Самарқанд область Бахмал ўрмон хўжалигининг тракторчиси.

Мамажонов Аширали — Марказий Фарғона ихота дарахтзорларини қўпайтириш ва қумни мустаҳкамлаш ишлари ишлаб чиқариш бошқармасининг бош инженери.

Носиров Хидой Мирсаидович — Тошкент область Чирчиқ механизациялаштирилган ўрмон хўжалигининг директори.

Неъматов Убай Неъматович — Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ўрмон хўжалиги бўлимининг мудири.

Рибникова Тамара Сергеевна — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат ўрмон хўжалиги комитети ихота ўрмонзорларини кўпайтириш бошқармасининг катта инженери.

Турков Григорий Иванович — Сурхондарё область суғориш системалари бошқармаси ирригация ўрмончилик хўжалигининг директори.

Хуррамов Коржов — Қашқадарё область Деҳқонобод ўрмон хўжалиги Оқбош ўрмончилигининг ходими.

Йўлдошев Мирзакарим — Наманган область Наманган ўрмон хўжалиги Учқўрғон ўрмончилигининг ходими.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1971 йил, 21 октябрь
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Х. М. ЖАЛИЛОВга «ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КУРСАТГАН ФАН АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Партия, совет, қишлоқ хўжалик органларидаги ва илмий муассасалардаги узоқ йиллик самарали иши учун, қишлоқ хўжалик фанига катта ҳисса қўшганлиги учун Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-тадқиқот институтининг директори, иқтисод фанлари кандидати Ҳалил Мадёрович **Жалиловга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1971 йил, 21 октябрь.
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда ва завод ходимлари иститкомат қиладиган жойдаги сиёсий-оммавий ишда актив қатнашганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Чирчиксельмаш» заводи қуюв цехининг смена мастери, сиёсий ташкилотчи Иван Андреевич **Елфимовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика ўрмон хўжалигини ривожлантиришдаги узоқ йиллик самарали иши ва ўрмонларни қўпайтиришда эришилган муваффақиятлари учун республика ўрмон хўжалигининг алоҳида ўрнан кўрсатган бир группа ходимларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ОРОЛ БАЛИҒИ

НУКУС («Совет Ўзбекистони» мухбири). Орол денгизи тотли балиғи билан мамлакатимизга машҳур. Бу балиқлардан тайёрланган консерваларни ҳамма ерда севиб истеъмол қилишади. Орол балиқчилари яқинда кузги балиқ овлаш мавсумини бошлаган эдилар. Мўйноқ райони балиқчилари куни неча 63150 центнер балиқ овлаб, йиллик планни муваффақиятли бажардилар. Айниқса Учсой, Мўйноқ балиқ заводлари ва «Октябрь 40 йиллиги» колхози балиқчиларининг ютуқлари катта бўлди.

Мўйноқ балиқчилари Улуғ Октябрь революциясининг 54 йиллиги кунигача яна 1800 центнер балиқ овлаш юзасидан мажбурият олдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

Шоли — давлатга

Республикамиз областларида шоли тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 22 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—областлар; иккинчи стун—план (тонна ҳисобида) учинчи стун — топширилган шоли (тонна ҳисобида), тўртинчи стун—планга нисбатан процент ҳисобида.

Андижон	5.000	5.920	118,4
Хоразм	19.500	21.110	108,3
Самарқанд	2.300	2.474	107,6
Наманган	4.000	4.052	101,3
Фарғона	3.000	3.034	101,1
Тошкент	20.300	19.133	94,2
Сирдарё	13.970	12.131	86,8
Сурхондарё	6.800	5.273	77,5
ҚҚАССР	54.000	34.046	63,0
Республика бўйича:	128.870	107.173	83,2

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

ЧОРА КЎРИЛДИ

Крупская номли колхознинг аъзолари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш, беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун курашяптилар. Ленин колхоз правлениеси ва партия ташкилоти уларнинг янада унумли меҳнат қилиши, ишлаб чиқаришда тағин ҳам яхшироқ натижаларга эришиши ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаяптилар. Далада ишлаётган колхозчиларга зарур маданий-маиший шароитлар яратиб берилмаган. Дала шийпонлари жиҳозланмаган.

Пайариқ районидан келган хатда ана шулар кўрсатилган эди. Район партия комитетининг маълум қилишича, хатда кўрсатилган фактлар асосан тасдиқланган. Колхоз аъзоларининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондиришга эътиборсиз қарагани учун колхоз партия ташкилотининг секретари Х. Эшбеков ва бошқа айбдор шахсларга чора кўрилган. Текшириш натижаси колхоз партия комитетининг мажлисида атрофлича муҳокама қилиниб, мавжуд камчиликларга барҳам бериш юзасидан тадбирлар белгиланган.

Тошкентдаги «Учқун» фирмасининг 1-филиали тўқувчиси Дилбар Юсупова Улуғ Октябрь шарафига муносиб меҳнат совғаси тайёрламоқда. У смена топшириқларини 130-140 процентдан адо этаётир.

А. Тўраев фотоси.

ШОИР МИРЗО ТУРСУНЗОДА 60 ЁШДА

САОДАТ КУЙЧИСИ

Ўрта Осиё халқларининг маданияти, жумладан адабиётининг узоқ асрлик тараққиёт йўлида умумий қонуниятлар жуда кўп. Бу ҳол дўстлик алоқаларимизнинг асоси бўлиб, унинг энг ёрқин мисоли ўзбек-тожик адабий алоқаларидир. Ана шу алоқаларнинг совет давридаги ривожида улкан тожик шоири Мирзо Турсунзоданинг роли ва хизмати жуда катта.

Мирзо Турсунзоданинг Иттифоқимизда ҳам, унинг сарҳадларидан ташқарида ҳам машҳур бўлган ажойиб ижоди совет адабиётининг заррин саҳифаларини ташкил қилади. У социалистик реализм поэзиясининг ёрқин намунасидир.

БИР МАКТАБ

Ҳар бир улкан адиб ижоди адабиётнинг қатор назарий масалаларини ҳал қилишга материал беради. Менинг тушунчамда Мирзо Турсунзоданинг сермазмун ижоди миллий анъаналарни замонавий руҳ билан уйғун этиш масаласида ғоят ибратлидир. Чунки бу поэтик ижодда Шарқ адабиётининг фалсафий чуқурлиги, ўткир образлилиги каби анъаналар бугунги актуал мавзу ва масалаларни ёритишга хизмат қилади. Мирзо Турсунзоданинг серқирра ижодида бунга ўхшаш ибратли мисоллар жуда кўп.

Адабиётчиларнинг бахти шундаки, улкан устозларнинг ижод сирлари махфий эмас. Аксинча ҳамма учун очиқ. Шунинг учун ҳам Николай Тихонов, Максим Рильский, Самад Вургун, Ғафур Ғулом, Расул Ҳамзатов каби кўплаб улкан совет шоирлари қаторида Мирзо Турсунзода ҳам ўз миллий адабиётини бойитиш билан баробар айни вақтда бутун совет адабиётининг оламшумул обрўйини ортгирган, ўз намунаси билан умумсовет адабиётининг ривожига катта ҳисса қўшган санъаткор бўлиб, унинг ижодий тажрибаси бизнинг ёш адиблар учун ҳам бир мактабдир.

Расмий ва шахсий учрашувларда устоз адиб қолдирган ёқимли таассурот унинг бой руҳий дунёсини, ақли, заковати ва маданиятини равшан кўрсатиб туради.

Шу ёқимли таассуротлар илҳоми билан улкан совет адиби Мирзо Турсунзодага юбилей муносабати билан ифода этилаётган барча яхши истакларга мен ҳам самимий тилакдошман.

Лазиз ҚАЮМОВ,
профессор.

Мирзо Турсунзода (ўртада) қаламкаш дўстлари орасида.

ОТАШҚАЛБ

К. ЯШИН.

Мирзо Турсунзода овози қитъалардан-қитъаларга ўтиб, номи миллион-миллион китобхонлар қалбидан жой олган атоқли совет шоирларидан бири. Унинг эрк, озодлик ва одамийликни тараннум этувчи ажойиб асарларидан на фақат совет кишилари, балки жаҳондаги, хусусан Осиё ҳамда Африкадаги тараққийпарвар кишилар ҳам баҳраманддирлар. Чунки у ўз юрагига совет халқининг орзу армонларини, унинг ҳис туйғуларинигина эмас, эрксевар башар ташвишларини ҳам сиғдира олган каттакон қалбли шоир сифатида элга маълум ва машҳур шоирдир.

«Шеърият тарихи, — дейди шоир ён дафтарига қилган қайдларидан бирида, — менимча, ёруғлик ва зулмат кураши тарихига ўхшайди... Ҳар бир шоир аввало ёруғлик, халқ бахти учун курашчидир». Ҳа, Мирзо Турсунзода бутун ижодиёти давомида ёруғликни зулматга қарши қўйди, ёруғликни улуғлади. Халқ бахти учун курашиб келмоқда. Мирзо Турсунзода ижодида Шарқ мавзуи кенг ўрин эгаллаган. Шоир ўз ота-боболари умрида кўрмаган ва эшитмаган мамлакатларга — Шарқ ҳамда Ғарбдаги қатор эл-элатлар юртига сафар қилди, у ердаги турмушни, халқлар ҳаётини ўз кўзи билан кўрди, мустамлака қуллиги асоратидан қутилиш учун оёққа турган мазлумлар жидду-жаҳдининг гувоҳи бўлди, озод Шарқ билан мазлум Шарқни қиёс қилиб, ўз халқининг фаровон ҳаётидан ифтихор туйғуларига тўлди, мазлумларнинг ўз озодликлари йўлидаги курашларини қўллаб-қувватлади.

«Мен жаҳоннинг кўп мамлакатларида бўлдим, — деб қайд қилган эди шоир ён дафтарига,— лекин, ҳеч қачон сайёҳ бўлиб юрмаганман. Тинчлик учун курашчилар конгрессида, мустамлакачиларга қарши курашчилар конгрессида, халқаро анжуманларда ўтириб, турли тилларда янграган озодлик, тинчлик, инқилоб ғояларини эшитганман. Буларнинг ҳаммаси санъаткорни янги фикрлар, таассуротлар билан бойитади, кенг умумлашмалар туғдиради». Бу гапларнинг амалдаги исботини шоирнинг номини қитъалар оша ёйган ўша «Ҳиндистон қиссаси»дан тортиб, янги асари — «Махаражжа Кремлда» достонигача ўтган давр мобайнида майдонга келган асарлари мисолида яққол кўриш мумкин. «Ҳиндистон қиссаси»да шоир эрксевар ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борган оғир курашини, бу кураш натижасида қўлга киритган мустақиллигини ифодалаган, Октябрь қуёши таъсирида мазлум халқлар онги қанчалик ёришганини кўрсатган бўлса, «Махаражжа Кремлда» достонида буюк инқилоб қуёши — Ленинга, Ленин жамоларига Шарқ халқлари ихлосини акс эттиради. Бунда шоир, ўзи юқорида айтганидай, кенг умумлашмалар чиқаради. Шоир «Ҳиндистон қиссаси», «Озод Шарқданман» шеърий туркумларида узоқ йиллар давомида Англия, Америка империалистлари томонидан эзилиб ва таланиб келинган, асорат ва қийноққа солинган эрксевар ҳинд халқининг ҳаёти ва интилишини, Шарқ оламининг озодлик учун олиб борган курашини ҳаққоний тарзда тасвирлаб берган. Шоирнинг «Осиё овози» туркумига кирган шеърларнинг бадиий-ғоявий қиммати шундан ҳам кўриниб турадики, бу туркумни Деҳли дорилфунунининг талабалари «Бизнинг овозимиз» дейишди. Африкалик бир ёзувчи Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясининг делегати: «Бу шеърларда фақат Осиёнинггина эмас, балки Африканинг ҳам овози баралла янграйди», деган эди.

Тинчлик ва халқлар озодлиги йўлида, бугунги воқелигимиз нафосати, гўзаллигини куйлаш йўлида тинмай курашаётган йирик жамоат арбоби Мирзо Турсунзода Осиё ва Африка халқлари конгресси ва конференциялари ишида фаол қатнашиб келмоқда, халқлар ўртасида тинчликни қарор топтириш учун олиб борилаётган курашга муносиб ҳисса қўшмоқда. У Шарқ халқлари мақолларида айтилганидек, «бир девор кўрғон бўлмас, бир дарахт эса боғ» деганида, жаҳон халқларининг янги қирғинчилик урушларига қарши, ягона тинчлик байроғи остига бирлашишини кўзда тутган эди. Атоқли шоир: «Деҳли чашмагина эди, Бандунг баҳорги дарёга ўхшайди. Қоҳира эса, ҳеч қандай тўсиқни билмайдиган тошқин дарёдир», дер экан, Шарқ халқларининг қудратига, озодлик ва мустақиллик йўлида олиб борган курашига қаттиқ ишонганлигини ифода этади.

Мирзо Турсунзоданинг «Ҳасан аравакаш» номли машҳур достони бутун жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Бу асарда ўтмишда минг-минглаб оддий меҳнаткашлар қатори ҳисобсиз азоб уқубатларга дучор этилган оддий аравакаш Ҳасан ва унинг севгилиси Садафнинг қисмати тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу достон шоирнинг ғоят улкан истеъдодини, она юрти ва халқига бўлган сўнмас жўшқин меҳр-муҳаббатини кўрсатувчи ноёб асардир, у совет адабиёти хазинасига қўшилган бебаҳо дурдонадир.

Мирзо Турсунзода баракали ижод қилиш билан бир вақтнинг ўзида давлат ҳамда жамоат арбоби сифатида ҳам ғоят катта ишларни олиб бормоқда. Халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликнинг толмас кўчиси, ўзбек халқининг севимли дўсти, оташқалб шоир Мирзо Турсунзода, Сиз яратган ва яратаётган ажойиб асарларингиз, ижтимоий фаолиятингизда муваффақиятли сўрътда амалга ошираётган ҳайрли ишларингиз билан биз ҳам ҳақли равишда фахрланамиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, эзгулик йўлидаги ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Мирзо ТУРСУНЗОДА

ҲИСОР ВОДИЙСИ

Ёдимда бор ёшлик йилларим,
Болалик, бебошлик йилларим.
Очиқ икки кўзимга олам
Кўринару, кўрмасдим шу дам.
Кеча-кундуз ўтар бематлаб,
Беқалам, бекитоб, бемактаб.
Мен шўх эдим ҳам ўйинқароқ,
Эшак миниб, ўйнардим тупроқ.
Дадам уйда ётиб бемадор,
Чекар эди ғамдан оҳ-зор.
Тортган оҳи бурқсирди чунон,
Хазон каби юзи заъфарон.
Онам эса сўлгину карахт —
Эди мисли шохсиз, мўрт дарахт.
Дардларига йўқ эди ҳисоб,
Тирикчилик эди бир азоб.
Ёшлигимда гул эдим беҳол,
Кўрмас эдим уйда нур-иқбол.
Уйимиз бор қадим Ҳисорда,
Кўҳна девор-қадим Ҳисорда.
Қалъа-қишлоқ ичида қўрғон,
Турар жаллод ҳайкалисимон.

* * *

У вайрона нулбаларда эл
Яшарди дард, аламларда эл.
У қалъада йўп эди сарбоз,
Югуришиб, тинмасди бир оз.
У қалъада қанча ёш-қари,
Қўли боғлиқ, занжирбанд барин.
Сажда айлаб ғам ютар эди.
Уз ўлимин сўнг кутар эди.
Мен бу ҳолга қараб ўтардим,
Нима ҳол деб сўраб ўтардим.

* * *

Келса яшнаб гул вақти баҳор,
Бўлар бола дили беқарор.
Чиқар эдик қишлоқ Ҳисордан,
Гул терардик дашт, лолазордан,
Кўтарилар булут осмонга,
Ёпирилар ўхшаб қозонга.
Емғир бирдан савалаб ўтар,
Ерга ниҳу доналар тўнар.
Булут йиғлаб, лолалар нулар,
Еллар куйлаб, кўкатлар ўйнар.
Бари сайқал берар баҳорга,
Тўлар баҳор кўрку-виқорга.
Лекин ўша гулгун водийда,
Кезмасди завқ элнинг ёдида.
Эл қалбига яшнаган лола
Эди зардоб тўлган пиёла.
Дашту саҳро гарчи зебодир,
Лекин кўрксиз, у бенаводир.
Толе келди, большевик келди,
Ғафлат чодри мангу йиртилди.
Неча йиллар ҳаёт нарвони
Утди жанг-ла, қетиб дармони.
Оташу қон эди ҳукмрон,
Унинг захмин чекарди жаҳон.
Халқ қўзғалиб қозонди зафар,
Ҳаёт яшнаб, бўлди мавжнавр.

* * *

Буюк Ленин ерга сочди нур,
Қон тўкишлар битди бир умр.
Олди еру сув деҳқон элн,
Китоб олди қўлга қиз-ўғли.
Бардам юриб ҳаёт нарвони,
Яшнаб кулди орзу армони.
Эл меҳнати қучди бахт, толе,
Ҳаёт қайнаб, кулди иқболи.
Қаҳрамон халқ одимлаб, улуғ—
Истиқболга йўл босди қутлуғ.
Мана бугун бу гулшан водий
Шоир жойи, қайнар ижоди.
Ленин илми бермоқда шуур,
Фарзандлари посбон бир умр.
Гўзал шаҳар қучоғимдамен,
Дунёнинг кўрк, гулбоғимдамен.
Гул шаҳримда барг ёзар ижод,
У навқирон, ҳуррам ва обод.
Шаҳар эмас боғу-бўстондир,
Пойтахти Тожикистондир.
Тожик элнн қайноқ дили у,
Эл таниннинг у жони мангу.
Мактаб, санъат, завод нафасин,
Эшитамиз ҳар тонг ҳаммасин.
Бунда ҳамма ҳунар-ла банддир,
Олим, фозил ва ҳунармандлир,
Шаҳрим бағри неъматга тўлиқ,
Эл меҳнати азми-ла улуғ.
Яшнаб еру колхоз қишлоғи,
Бўлди элнинг мангу гулбоғи.
Ҳосиллари фаровон эрур,
Ҳисоби йўқ, бир жаҳон эрур.
Дарёлари жўш урган Ҳисор.
Яшнаб турар бағрида баҳор.
Мазлум Шарққа ярқираб чунон,
Ҳур ҳаётин этади достон.
Кўкда гоҳи булут қамчилар,
Лолаларга дури томчилар.
Колхозчилар далада ҳур, шод,
Очар ишга қучоғин кушод.
Мен ҳам бугун водийда
фарзанд,
Эрк созини чалармен ҳурсанд.

НАЗАРМАТ таржимаси.

Мирзо ТУРСУНЗОДА

ВАТАН

Баҳор келди, яна бир йил ўтди дўстлар, ҳаётимдан,
Босиб ўтган тамоми умр ўтди бир-бир хаёлимдан,
Эту тирноқ каби доим бўлдим она-Ватан бирла,
Ўтди йўлда ярим умрим узоқда дўст-ёримдан,

Ватан, қайда бўлмай келур ҳаволаринг димоғимга,
Океанлар оша меҳринг қуюлур дил-булоғимга.
Сафар вақти ошиб ўтсам кучли тўлқин, тўфонлардан,
Келар юртим дарёларин шўх садоси қулоғимга.

Олис йўлдан қайтиб ҳар чоқ қўйсам агар сенга қадам,
Мен ўзимни унутармен, бўлиб сендан шоду-хуррам,
Ерларингда ором олиб, осмонингда парвоз айлаб,
Шарафингда фахрландим, таърифингни тинглаб ҳар дам.

Гарчи кўп вақт кетдим олис, сендан — ёру диёримдан,
Сайёҳликда дўстлар, сўзлар элимдан — эътиборимдан,
Лекин дўстлар қайда бўлмай, кезмай қайси жойни ҳарвақт
Бирга бўлдим, мадад олдим Ватандан — ифтихоримдан.

Николай ТИХОНОВ

ШОИРГА

Гулдурос солиб оқар Вахшу Пакж нахрлари,
Сенинг шеърий таронанг баландроқ бу наърадан.
Уни тинглар Осиё...
элу элатлар бари.
Куйлар тошиб чиқади қайноқ қалбинг қаъридан!

Ҳисору Помирларнинг чўққисин кўз илғамас,
Бу чўққини Мисрдан кузатмоқлик бефойда...
Аммо бўйинг кўринур Парижу Қоҳирадан,
Кўринасан сен эллар тинчлик истаган жойда!

Гарчанд сени эъзозлаб ёшн улуғ дейдилар,
Лекин сен навжувонсан, қарнди демоқ қийин.
Дилларни илитасан қайноқ шеъру байт ила,
Жилмайишинг субҳидам ёгдуси каби майин.

Ишонч, ҳурмат ёгдуси қуйилади бошингдан,
Элларнинг муҳаббати дўстим, сенга бир олам.
Мирзо Турсунзодамиз, шу муборак ёшингда
Эл-элатлар бахтини куйлаб, суравер қалам!

О. ҲАКИМОВ таржимаси.

БАРКАМОЛ ТАЛАНТ

Мирзо Турсунзоданинг юксак ғоявийлик руҳи билан суғорилган маҳсулдор ижоди, серқирра ижтимоий фаолияти унинг номини Иттифоқимиздаги Николай Тихонов, Микола Бажан, Самад Вургун, Ғафур Ғулом, Олесь Гончар, Константин Симонов, Ираклс Абашидзе каби талантли адиб ва жамоат арбобларн қаторига олиб чиқди.

Бўлажак шоир 1911 йилда ҳозирги Тожикистон ССР, Шаҳринав районининг Қоратог қишлоғида ҳунарманд оиласида дунёга келди.

Ёш Мирзода дастлаб отасининг таъсирида бадиий адабиётга ҳавас уйғона бошлайди. У ўз қишлоғида илк хат-саводини чиқариб, сўнгра 1924 йили Қоратогда очилган совет мактабига кириб ўқий бошлайди.

М. Турсунзода 1927 йили Тошкентга келиб, ўқитувчилар тайёрлайдиган институтга ўқишга жойлашади. У институтни 1930 йили муддатидан аввал муваффақият билан битириб чиқади. М. Турсунзода институтда ўқиб юрган йилларидан бошлаб Шарқ ва Ғарб адабиёти классиклари, қардош халқлар, айниқса рус адабиёти билан чуқур танишиб, ижодий ишга журъат қила бошлайди.

У ўттизинчи йиллардан бошлаб А. Деҳотий, В. Раҳимзода, М. Миршакар, С. Улуғзода каби тенгдош қаламкаш дўстлари билан адабий жараёнга фаол қатнашиб, тожик совет адабиётининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Унинг «Ғалаба байроғи» номли ҳикоя, очерк ва шеърлардан ташкил топган дастлабки асарлар тўплами 1932 йилда, адабиётшунос Ш. Ҳусайнзоданинг сўзбоши-си босилиб чиқади.

Турсунзода сермаҳсул ижодкор сифатида танила бориб, шу давр ичида бир қанча шеърлар билан бир қаторда «Куз ва баҳор», «Ҳукм» каби йирик поэма ва драматик асарларини яратади. Шунингдек, Мирзо Турсунзода 1936 йили шоир Абдусалом Деҳотий билан ҳамкорликда улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достони асосида шеърий — музикали драма яратади.

У 1939 йили эса, яна А. Деҳотий билан ҳамкорликда Тожикистон ССРнинг ўн йиллигига бағишлаб «Восе қўзғалони» номли биринчи тожик совет операсининг либреттосини ёзади. Либреттода Балджуон беклигидаги 1885 йилги машҳур халқ қўзғалони ва унинг қаҳрамон йўлбошчиси Восе образи тасвирланади.

Ана шу тариқа тожик совет драматургияси ҳам вужудга келиб, ривожлана боради.

М. Турсунзода ўзининг Ҳамза Ҳакимзодага бағишланган «Ўлмас ном» деб аталувчи мақоласида тожик совет драматургиясининг тараққиётига қардош халқлар адабиёти билан бир қаторда ўзбек драматургияси, биринчи галда Ҳамза асарларининг таъсири ҳақида сўзлаб, шундай ёзади: «Йигирманчи йилларда драматургия санъати бизлар учун янги воқеа эди. Мен у вақтларда Тошкентда ўқиб юрардим. Бўш вақтларда ёки дарс кам бўлган кунларда кино ва театрга эўр қавос билан борнб, янги спектакларни томоша қилардим. Ўзбек театрларининг спектаклари менда катта таассуротлар қолдирарди.

Ҳамза Ҳакимзода номидаги драма театри кўпдан машҳур «Бой ила хизматчи» ва «Майсаранинг иши» спектаклларини томошабинларга кўрсатиб келарди.

Кейин бу пьесалар тожик тилига таржима қилинди. Бизнинг ёш драма театримиз бу ажойиб пьесаларни ўз саҳнасида кўрсатишга киришди, тожик артистлари ўз ҳамкасблари — ўзбек артист ўртоқлари каби ролларни ўша сайқал, ўша юксак маҳорат билан ижро эта бошладилар. Шу сабабли Ҳамза Ҳакимзода тожик совет драматургиясининг ҳам асосчиларидан бири ҳисобланади».

М. Турсунзода 1937—1938 йилларда «Оҳанрабо», «Баҳор», «Олтин мамлакат», «Ёшлик қўшиғи» каби она-Ватан мадҳига бағишланган бир қатор шеърлар яратди.

Шоир тобора қайноқ ҳаётга фаол киришиб, унда бўлаётган буюк ўзгаришларни ўз ижодида акс эттириб боради. Унинг «Чаманзор», «Канал келди», «Ҳисор водийси», «Хом хаёллар», «Тожик тоғларига» каби бир қанча асарлари шулар жумласидандир.

М. Турсунзода Улуғ Ватан уруши даврида Ватан ва унинг баҳодир жангчилари ҳамда фронт орқасида фидокорона меҳнат қилаётган кишиларга бағишланган бир қатор бадиий-юксак асарлар яратади.

М. Турсунзода 1947 йили совет делегацияси сафида Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида бўлган халқаро тинчлик конференциясида қатнашади. СССРга қайтгач, сафар таассуротлари асосида «Ҳиндистон қиссаси» туркумига кирувчи дастлабки шеърларини яратади. Бу туркумдаги шеърлари тез орада турли тилларга таржима қилиниб, шоирга катта шуҳрат келтиради.

Шоирнинг «Ҳиндистон қиссасн»га кирган шеърларида инглиз мустамлакачилари томонидан шафқатсиз эзилган, хўрланган, лекин озодлик учун интилаётган Шарқ халқларининг ҳаёти эҳтирос билан ҳаққоний мисраларда тасвирланади.

1950 йилда бир группа атоқли совет ёзувчилари — Н. Тихонов, А. Софронов, Ойбек ва Турсунзодалар Покистон бўйлаб сафар қиладилар. М. Турсунзоданинг бу сафар натижасида ёзган «Озод Шарқдан мен», «Қўзлар», «Ватан чироқлари» каби асарлари ва 1957 йили ёзган «Осиё овози» поэмаси унинг Ҳиндистон туркумидаги шеърлари билан ғоявий-тематик жиҳатдан ҳамоҳангдир.

Шоир «Осиё овози» поэмасида Осиё—Африка халқларининг ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлида олиб бораётган қаҳрамонона курашини эўр кўтаринки руҳ билан тасвирлайди.

М. Турсунзода сўнгги йилларда бир қатор ажойиб поэмалар яратди. «Абадий нур», «Муқаддас қиз» поэмалари шулар жумласидандир.

Шоирнинг «Ҳасан араваказ» поэмаси маълум даражада автобиографик характерга ага. Унда шоирнинг ёшлик йиллари, Тошкентга ўқиш учун келиш йўлида бошидан кечирган машаққатлари ўз изини қолдирган. Шоир қаҳрамон руҳида, психологиясида рўй берган мураккаб қарама-қаршн ҳолатларни рўйи-рост кўрсатади.

М. Турсунзоданинг «Бургут», «А. С. Пушкинга», «Қозоқ қардошларга», «Лиму», «Пиёламиз», «Ватан ўғлони» каби шеър ва поэмалари халқлар дўстлиги мавзуини ёритишга бағишланган.

М. Турсунзоданинг ҳаёти ва ижоди ўзбек халқи ва унинг адабиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Шоирнинг маҳорат билан ёзилган асарлари ўзбек китобхонлари томонидан доимо севиб ўқилиб келинмоқда.

М. Турсунзода ўзининг бир қатор асарларини, адабий-танқидий мақолаларини ўзбек адабиётига, унинг айрим истеъдодли вакилларига бағишлайди. Жумладан, у «Марҳабо» шеърида ўзбек шоираси Зулфиянинг порлоқ сиймосини поэтик мисраларда яратганини кўрамиз.

М. Турсунзода ўз мақолаларида ўзбек қаламкаш устоз ва дўстлари — Ҳамза Ҳакимзода, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Шароф Рашидовларнинг ижоди ва фаолиятига юксак баҳо беради. Айни чоқда Уйғун, Яшин, Ҳамид Ғулом, Назармат, Васфий ва бошқа ўзбек адибларн Мирзо Турсунзоданинг асарларини таржима қилиш, унинг ижодини ўзбек халқига таништириш соҳасида самарали меҳнат қилдилар.

М. Турсунзода ўз фаолиятида ижодий ва улкан ижтимоий ишларни бир-бири билан мустаҳкам боғлаб олиб борган қалам соҳиблариданн. У 1946 йилдан то шу кунга қадар Тожикистон ССР Ёзувчилар союзининг раиси, СССР Олий Советининг депутати, Ленин мукофоти берувчи Бутуниттифоқ комитетининг аъзоси, Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик қилувчи Совет комитетининг раиси, СССР Ёзувчилар союзи Президиуми ва правлениесининг аъзоси каби бир қатор масъул вазифаларда муваффақият билан ишлаб келмоқда.

М. Турсунзода адабиёт ва жамоат ишларидаги актив фаолияти учун партия ва ҳукуматимиз томонидан бир неча марта орден ва медаллар билан тақдирланган. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва СССР Давлат мукофотлари ҳамда халқаро Неру ва республика Рудакий мукофотларн лауреати. Тожикистон халқ шоири фахрий унвонларини олган талантли адибдир.

Академик шоир Мирзо Турсунзода 60 ёшга тўлган шу кунларда ўзбек дўстлари уни чин қалбдан қутлаб, унга янгидан-янги ижодий парвоз тилайдилар.

Ҳ. МУҲАММАДХЎЖАЕВ
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг катта ўқитувчиси.

АДИБ ҲАҚИДА

Уни ғурур билан чуқур замонавий шоир, сиёсий ўткир, ҳозир жавоб, доимо совет халқи ҳақида, жаҳон меҳнаткашларининг тақдири ҳақида ўйловчи, ижодий уфқи кенг шоир деса бўлади. М. Турсунзоданинг асарларида айниқса янги Шарқнинг — Совет Шарқи ва хорижий Шарқнинг қалби, юраги, уларнинг кечаги куни, бугуни ва эртаси равшан акс этган.

Ғафур ҒУЛОМ.

◆

Тожик совет адабиётида унинг тутган ўрни ҳозир ғоятда катта ва аҳамиятлидир... Мирзо Турсунзоданинг айниқса Ҳиндистон туркумига кирувчи шеърларини ўқир эканмиз, совет реалистик шеъриятнга хос ажойиб ҳислатлар, катта сиёсий кўтаринкилик, инсон руҳиятининг нозик қирраларини, оддий кишиларнинг тинчлик ва бахт-саодат учун курашини тўла мужассамлаштирганлигини кўрамиз. Биз тинчлик учун курашаётган халқларнинг жўшқин туйғуларини адабиётда бу қадар санъаткорона ифода этилганлигини минатдорчилик туйғулари билан эсга оламиз.

Леонид ЛЕОНОВ.

◆

Яқинда — гуллар байрами фаслида биз Мирзо Турсунзода билан Эронда бўлдик. У ерда шоирнинг номи анча машҳур экан. Эронда Мирзога кўп марта нутқ сўзлашга тўғри келди. Шунда биямдон одамлар «Мирзонинг талаффузи Шероз лаҳжасига ўхшайди, Шероз эса буюк шоирлар—Саъдий ва Ҳофиз ватанн» дейишди.

«Ана шундай шоирлар ўтган жойда форс-тожик шоири бўлиш қийин» деди бир куни Мирзо, — ҳа, жуда қийин. Лекин поэзия билан муҳаббат тугамаганидек, шоирлар ҳам тугамайди».

Мирзо Турсунзода — танқидчи шоир эмас. У ўз халқининг нўп асрли поэзиясини бошқа давр ва бошқа шароитда давом эттирмоқда. Шоир ва гражданга хос фазилат билан давом эттирмоқда.

Расул ҲАМЗАТОВ.

◆

Мирзо Турсунзода тожик миллатининг қаноти ва менинг қанотимдир.

Берди КЕРБОБОЕВ.

◆

Мирзо Турсунзода билан дўст тутунмаслик амримаҳолдир, билмайман, ундаги қандайдир жозиба одамлар қалбини ўзига тортади.

Александр ПРОКОФЬЕВ.

◆

Бизнинг қардошлар адабиётимизда Мирзо Турсунзода... нурли буюк чўққидир... Шу чўққига яқин турганимиз қандай яхши. Кам бўлмасин чўққи!

Наби ҲАЗРИЙ.

◆

У бизни фақат Тожикистон билан таништирдигина эмас, балки Осиёнинг дарвозасини ҳам очиб берди.

Вера ИНБЕР.

◆

Мирзо Турсунзода Ҳиндистон ҳақида қандай қиссалар ёзган бўлса, мен ҳам Совет Иттифоқи тўғрисида шундай ҳаққоний балладалар ёзишни истардим. Бу қиссамда мен совет халқининг ажойиб ғалабалари ҳақида ҳикоя қилардим.

Мулк Радж АНАНД.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ҲИНДИ-ХИТОЙ ФРОНТЛАРИДА

ХАНОЙ, (ТАСС). Камбоджа миллий озодлик қуролли кучлари жанговар операцияларни муваффақиятли олиб бормоқдалар. ВИА агентлигининг Кхмер информация агентлиги маълумотларига асосланиб хабар беришича, ватанпарварлар 9 октябрда Компонгтям вилоятида Крек шаҳридан 10 километр шарқдаги Ампук базасида қамалда қолган қисмларига ёрдам бериш учун келаётган Сайгон қўшинларининг колоннасига ҳужум қилганлар. Натижада жанубий вьетнамлик 130 солдатни сафдан чиқардилар, битта вертолётни уриб туширдилар, 12 та танк ва бронетранспортёрни яксон қилдилар. Камбоджанинг ватанпарвар кучлари 15 сентябрдан 9 октябргача ўтган вақт мобайнида Крек шаҳри районида душманнинг 1000 га яқин солдатини сафдан чиқардилар ва асир олдилар, 19 та самолётини ерда мажақлаб ташладилар ёки уриб туширдилар, ёқилғи ва ўқ-дори сақланадиган 16 та омборни портлатдилар ва 17 та юк машинасини ёндириб юбордилар.

Жанубий Вьетнамдан олинаётган хабарларга кўра, халқ қуролли кучларининг жангчилари 20 сентябрдан 5 октябргача Марказий Чунгао районида душманнинг 1400 дан ортиқ солдат ва офицерини, шунингдек, 100 га яқин американикини сафдан чиқардилар, 67 та ҳарбий машинани яксон қилдилар, 7 та вертолётни уриб туширдилар, 3 та ҳарбий кемани чўктириб юбордилар, 4 та ҳарбий эшелонни ағдариб юбордилар, кўп миқдорда қурол-аслаҳани ўлжа қилиб олдилар.

Жанубий вьетнамлик ватанпарварлар 13 ва 14 октябрь кунлари Камау вилоятида Сайгон қўғирчоқ қўшинларининг 21-дивизия 32-полкининг иккита ротасига оғир зарбалар бердилар.

АМЕРИКА ИМПЕРИАЛИЗМИНИНГ АГРЕССИЯСИГА ҚАРШИ, ЎЗ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ОЗОДЛИГИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН МАРДОНА КУРАШ ОЛИБ БОРАЁТГАН ҚАҲРАМОН ВЬЕТНАМ ХАЛҚИГА ВА УНИНГ ЖАНГОВАР АВАНГАРДИ — ВЬЕТНАМ МЕҲНАТКАШЛАР ПАРТИЯСИГА, ЛАОС ВА КАМБОДЖАНИНГ ЖАСУР ВАТАНПАРВАРЛАРИГА ҚАРДОШЛАРЧА ОТАШИН САЛОМ!

(КПСС Марказий Комитети Октябрь Чақириқларидан).

---

*

ЛИМА. Перу пойтахтининг киёфаси кейинги 20-30 йил ичида бекиёс ўзгариб кетди. Янги саноат ва савдо тармоқлари кўпайиб, жадал тараққий этди. Суратда: Лима шаҳри марказидаги Сан-Мартин майдони.

Камера Пресс-ТАСС фотоси.

МХР. Утган беш йилликда республикада 750 та саноат, қишлоқ хўжалиги коммунал-маиший ва бошқа объектлар қурилиб, ишга туширилди. Уларнинг кўпчилиги совет мутахассислари ёрдамида қад кўтарди. Суратда: электромонтёрлар Александр Дубовицкий ва Ундрах Авирмэдлар Улар Олтой Гоби шаҳрида мактаб комплекси қурилишида аҳиллик билан меҳнат қилишяпти.

Е. Терентьев фотоси, (ТАСС).

А. А. КОЙСМАН

1944 йилдан КПСС аъзоси, урология кафедрасининг мудири, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош урологи, медицина фанлари доктори, истеъфодаги медицина полковниги Асир Абрамович **Койсман** тўсатдан вафот этди. А. А. Койсман 1919 йили Киевда врач оиласида дунёга келди. 1941 йили Киев медицина институтини тугатгандан сўнг Совет Армияси сафига чақирилди. У медицина-санитария батальони хирургидан ҳарбий округнинг бош урологи даражасигача бўлган шонли йўлни босиб ўтди. 1961 йилда саломатлиги заифлашгач, у Совет Армияси сафидан бўшади. 1951 йилда медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. 1961 йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти урология кафедраси мудирлиги лавозимига сайланди. 1963 йилда унга доцент илмий унвони берилди. 1971 йилда медицина фанлари доктори илмий даражасини олиш учун муваффақиятли равишда диссертация ёқлади.

А. А. Койсман катта илмий ва педагогик иш олиб борди, урология соҳасида малакали мутахассислар тайёрлади. Унинг раҳбарлигида тўрт кандидатлик диссертацияси ёқланди. У катта амалий ва илмий аҳамиятга эга бўлган 80 дан зиёд илмий ишнинг муаллифидир.

А. А. Койсман қақори малакали врач-клиницист эди. У Улуғ Ватан уруши даврида ва урушдан кейинги йилларда минглаб яралорлар ва беморларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Самимий, меҳрибон, сезгир инсон А. А. Койсман беморларга ҳам ҳар қандай шароитда ёрдам қўлини чўзар эди.

А. А. Койсман республикада урология хизматини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати А. А. Койсманнинг хизматларини юксак баҳолади. «Иккинчи даражали Ватан уруши», «Қизил юлдуз» орденлари ва кўплаб медаллар билан мукофотланди.

Асир Абрамовичнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Ўзбек кинофильмларидан қўшиқлар. 10.40 — Ҳужжатли фильм. 10.55 — МОСКВА. 12.10 — Ўзбек давлат «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — Болалар учун концерт. 17.30 — Ахборот. 17.40 Энг яхши телефильмлар. **Республикага тинчлик керак.** 18.00 — Бокс мусобақалари. 19.00 — Ахборот. 19.20 — Эстрада концерти. 20.10 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 15.15— МОСКВА. 16.00 — Тележурнал. 16.45 — Молдавия ССР халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 17.15 — **Дубровский** (бадиий фильм). 18.25 — СССР ички ишлар министри Н. ЩЕЛОКОВ томошабинларнинг саволларига жавоб беради. 18.55 —Бадиий фильм. 20.10 — ТОШКЕНТ .21.05 — Концерт. 22.05 — **Фарзанд доғи** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/Х да **Ойжамол**, 24/Х да **Беҳуда эҳтиётқорлик** (кундузи), **Боғчасарой фонтани** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/Х да **Шоҳ Эдип**, 24/Х да **Бой ила хизматчи** (кундузи), **Имон** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/Х да **Лақма**, 24/Х да **Кумуш тўй**, 25/Х да **Хотинимнинг эри.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/Х да **Биринчи бўса**, 24/Х да **Беш кунлик куёв** (кундуз соат 12 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **РСФСР халқ артисти И. РУБАН раҳбарлигидаги ўргатилган ёввойи ҳайвонлар иштирокида МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (кеч соат 7 яримда; шанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7яримда бошланади).

КИНО

Денгизга ғарқ бўлган орзулар — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), **«КУКЧА»** (тоқ соатларда).

Икки киши ва бир ўлим — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ун икки стул (2 серия) — **«ЎЗБЕКИСТОН» НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА»** (кундуз ва кечқурун).

Шельменко-денщчик — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), **«ДРУЖБА»** (кундуз ва кечқурун).

Дунё (2 серия, кундуз соат 12, 2 ярим, 5 ва кеч 8 да), **Квртира** (тоқ соатларда) — **«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».**

Тилсиз дўстлар — «ВОСТОК» (жуфт соатларда), **«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз соат 11.45, 1.30 ва 3.15 минутда).

Изма-из (2 серия) — **САНЪАТ САРОЙИ, «МОСКВА»** (кундуз ва кечқурун).

Ёшлар — «ЧАЙКА» (жуфт соатларда).

Катта сайр (2 серия) — **«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз соат 5, кеч 7 ярим ва 9.45 минутда).

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ институтга киручиларни кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган пуллик курсларга

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: институт ректори номига ариза, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг (нусхаси), турар ва иш жойларидан справкалар. иш жойидан характеристика ва 2 дона (3Х4 см) фотосурат.

Ўқиш учун — 25 сўм тўланади.

Аризалар қабул қилинмоқда. Машғулотлар — 1 ноябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 183-уй, 130-хона.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

олий ўқув юртларига киручиларини кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган

ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР: математика, физика, химия, она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёти бўйича ҳафтада уч марта кеч соат 7 да ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Курсларга ўрта маълумотлилар ва 10 синф ўқувчилари қабул қилинади.

Машғулотлар университет биноси (студентлар шаҳарчаси)**да ўтказилади.**

ҲУЖЖАТЛАР: душанба, чоршанба ва жума кунлари бош ўқув корпуси, А-501 аудитория, математика факультети, 5-қаватда неч соат 6 дан 8 гача қабул қилинади.

1-«УЗКОЛХОЗСПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 18-ОБЛАСТЛАРАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАСИГА

Тошкент, Сирдарё, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд областларида ишлаш учун изоляциячилар, том ёпувчилар, 3—5 разрядли ғишт терувчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли, ҳамда иш кўчма характерда бўлганлиги учун тариф разрядига қўшимча 30 процент ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адреслар: Тошкент шаҳар, Волгоградский кўчаси. Одесский проезд, 5-уй; Наманган шаҳар, Ереванский кўчаси, 11-уй; Андижон шаҳри, Самарқанд шаҳар, Боғи-Майдон посёлкаси ҳамда Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй.

СССР Газ саноати министрлиги

«НЕФТЕПРОВОДМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ 2-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАСИГА

(Муқимий кўчаси, 98-уй, телефонлар: 77-25-77, 77-24-45)

5—6 разрядли дипломли электр пайвандчилар, автокранчилар, тракторли кранлар машинистлари, бригадирлар, технологик трубопроводларни газ билан қирқувчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — прогрессив-мукофотли.

Турар-жой иш жойларида дала вагончаларидан берилади.

Иш Ўрта Осиё республикаларида бажарилади.

Оилаликларга турар-жой берилмайди.

Ишчилар иш жойида вақтинча пропискадан ўтказиладилар (Тошкентдан ташқарида).

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА! «ЎЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТРЕСТИ

турар-жой бинолари учун счётчикли ЖС-1М типидаги этажний билан қўшилган электрошкафлар, ЩУЭ-4 типидаги этажнин щитлар, 3—5 қаватли турар-жой ва жамоат бинолари учун ШВ серияли шкафларни

СОТАДИ

Мурожаат учун адреслар: Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси, 91-уй (телефонлар: 53-69-64, 33-19-32); Жарқўрғон кўчаси, 76-уй (телефон 91-26 66).

СПОРТ

ХАБАРЛАР

ЕВРОПА КУБОКЛАРИ УЧУН

Европа кубоклари учун мамлакатимизнинг уч командаси навбатдаги ўйинлар ўтказди. Бунда армиячилар билан динамочилар чорак финал иштирокида куч синашди. Ҳар икки команда ҳам бир хил ҳисоб — 1:0 билан ғалабага эришиб, муҳим имкониятни қўлга киритди. Армиячилар Москвада Бельгиянинг «Стандарт» футболчилари билан чемпионлар кубоги учун курашган бўлса, динамочилар кубок эгалари кубоги учун Туркияда «Эскишехирспор» командаси билан беллашди. Ўтган куни учинчи командамиз — Москванинг спартакчилари УЕФА кубоги учун 1/16 финал ўйинда Португалиянинг «Витория» командаси билан учрашди. Ўйинда ҳисоб очилмади — 0:0.

Командаларимизнинг қайта учрашуви 3 ноябрда бўлади.

САФАРДАГИ УЧРАШУВ

Мамлакат футбол чемпионатининг ўтган кунги учрашувларида унча катта ўзгаришлар рўй бермаса ҳам, «Пахтакор»га қийин бўлди. Минсклик динамочилар билан «Пахтакор» учрашуви 2:1 ҳисобида тугади. Минск динамочилари ўз майдонларида мавсумнинг охирги ўйинини ўтказган бўлсалар, пахтакорчилар сафардаги ўйинларини шу билан тугатдилар. «Қайрат» — «Арарат» учрашуви — 2:2, «Карпат» — «Торпедо» ўйини 0:0 ҳисобида тугади.

ТИНЧЛИК ПРОГРАММАСИ

Американинг ҳаммага маълум «Нью-Йорк таймс» газетаси яқинда Совет Иттифоқининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятини таърифлаб, «СССР тинчлик йўлида кенг фронт бўйлаб ҳужум қилмоқда», деб ёзди. Буржуа матбуоти ҳозирги вақтда буни тан олишга мажбур бўлди. Бунинг боиси шуки, тинчлик йўлидаги курашнинг КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан буюк программаси ва бу программанинг амалга оширилаётганлиги жаҳон жамоатчилигида ғоят кучли таассурот қолдирмоқда.

Совет ташқи сиёсатининг собит қадамлиги ва таъсирчанлигини ўтган ҳафта ичида кўп далиллар исботлаб берди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Қримда Германия Федератив Республикаси федерал канцлери В. Брандт билан учрашуви, Л. И. Брежневнинг Югославияга қилган сафари, унинг Венгрия ва Болгарияга дўстона визитлари, Н. В. Подгорний бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегациясининг Вьетнам Демократик Республикасига қилган сафари, А. Н. Косигиннинг Жазоир ва Марокашга визитлари, Ҳиндистон Бош министри И. Гандининг Москвада Совет раҳбарлари билан учрашувлари, шунингдек, Миср Араб Республикаси президенти А. Садатнинг Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин билан олиб борган музокаралари ва суҳбатлари каби халқаро ҳаётдаги жуда муҳим воқеалар буни исбот этади.

Халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашдан иборат ленинча сиёсат, мустамлакачилик ва империализм зулмини ағдариб ташлаган мамлакатлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик сиёсати тинчликни актив ҳимоя қилиш Совет программасининг ажралмас таркибий қисми эканлигини Совет Иттифоқи ўзининг амалий ишлари билан яққол кўрсатиб турибди. Бунинг натижасида замонамиздаги учта асосий революцион куч — социализм, халқаро ишчилар ҳаракати ва халқларнинг миллий-озодлик курашининг буюк иттифоқи доим мустаҳкамланиб бормоқда. Инсоният прогрессив тараққиётининг ҳал қилувчи омили бўлган жаҳон социалистик системасининг роли кучайиб бормоқда.

Совет Иттифоқи билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги муносабатлар жаҳон социализмининг ривожланиб келаётган ёш мамлакатлар билан бирдамлиги мустаҳкамланиб бораётганлигини ёрқин исбот этувчи далилдир. Араб мамлакатларининг жамоатчилиги СССР билан дўстона муносабатларни ривожланишини якдиллик билан табрикламоқда. Қоҳирада чиқадиган «Ал-Аҳбор» газетаси «Қўшма Штатларнинг араб мамлакатлари халқлари курашини заифлаштириш мақсадида Совет — Миср муносабатларининг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига шубҳа туғдириш йўлидаги уринишлари беҳуда эканлиги»ни таъкидлаб ўтганлиги бежиз эмас.

Жаҳон жамоатчилиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг октябрь ойи охирларида Францияга қиладиган визити олдидан кўрилаётган тайёргарликни зўр эътибор билан кузатиб турибди. Франциянинг ўзида ана шу муҳим воқеа Совет—Франция муносабатлари ривожланиб бораётганлигини, кескинликни юмшатиш ва тинчтотув яшашни мустаҳкамлаш соҳасида ҳар иккала мамлакатнинг ҳамкорлиги кучайиб бораётганлигини исбот этувчи далил деб қаралмоқда.

Л. И. Брежневнинг Францияга қиладиган визитининг аҳамияти Совет — Франция муносабатлари доирасидагина чекланиб қолмайди. Франциянинг кекса журналисти Женевьева Табуи ҳоним бу тўғрида жуда маъқул гапларни айтди: «Биз, — деди у, муҳим ва ажойиб воқеалар арафасида турибмиз. Бунда гап иккинчи жаҳон урушини бошлаб берган агрессив кучлар устидан галаба қозонилганидан кейин 1945 йилда бошланган даврни — урушдан кейинги даврни мустаҳкамлаш ва турли ижтимоий тузумдаги мамлакатларнинг тинч шароитдаги кенг ҳамкорлигига йўл очиб бериш, жаҳоннинг бир-бирига қарама-қарши турган ҳарбий-сиёсий гуруҳларга бўлинишига барҳам бериш тўғрисида бораётир».

Яхши ниятдаги кишиларнинг ҳаммаси Л. И. Брежневнинг Францияга қиладиган визити Совет тинчлик программасининг муҳим босқичи, деб ҳисобламоқда.

Г. ШИШКИН. (ТАСС).

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

25 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.25 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Ахборот. 18.40 — Тележурнал. 19.25 — МОСКВА. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўтроқ Л. И. Брежневнинг Қримда сафари. 20.05 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** Ахборот. 20.20 — **Қизил альпинистлар** (телефильмнинг 1-серияси). 20.45 — Пахтакорларнинг Октябрь олди рапортлари. 21.00 — Концерт. 21.30 — Оламда нима гап? 22.00 — УМР (телеспектакль). 23.20 — **Серафим Фролов севгиси** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА. 17.35 — Концерт. 18.00 — Фан — бугунги кунда. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Концерт. 19.25 — Илмий-оммабоп фильм. 20.05 — Концерт. 20.30 — **Хоккей:** ЦСКА — «ХИМИК».

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

26 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Беш йиллик республикамиз бўйлаб кезади. 19.00 — **Футбол:** «ПАХТАКОР» — «ШАХТЕР». **Узбек тилида:** 20.45 — Ахборот. 21.00 — **Қизил альпинистлар** (телефильмнинг 2-серияси). 21.25 — Пахтакорларнинг Октябрь олди рапортлари. 22.00 — МОСКВА .22.30 — Ёзувчилар пахтакорларга. 22.45 — **Мирза Иброҳимов** (ижодий портрети).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.30 — МОСКВА. 17.35 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.00 — Концерт. 18.40 — Мультфильмлар. 19.00 — Москва композиторлари билан учрашувлар. 20.00 — Янгиликлар. 20.10 — Миллионлар ленинча университети. 20.40 — **Қардасан, Максим?** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 20.30 — **Бой ила хизматчи** (бадиий фильм).

27 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. **Узбек тилида:** 18.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.30 — Ахборот. 18.45 — **Қизил альпинистлар** (телефильмнинг 3-серияси). 19.10 — Ахборот. 19.25— Халқ талантлари. **Аҳрор Убайдуллаев.** 20.05 — МОСКВА. 20.15 — Ингим-терим авжида. 20.35 — **Менинг кўчам** (бадиий фильм). 21.50 — «ВАҚТ». 22.30 — Спектакль. 01.25 — **Футбол:** ИСПАНИЯ — СССР.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. «Польшада ишланган» (репортаж). 20.30 — **«Ярим аср йилномаси».** 21.15 — Давърларнинг ҳаёт қўшиқлари. 21.55 — «Фан». 22.25 — **Қутлуғ қон** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 19.40 — Концерт. 20.30 — **Наташахоним** (бадиий фильм).

28 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Музика мамлакатимизга саёҳат. 19.10 — Ахборот. 19.25 — Бир сафда. **Узбек тилида:** 20.05 — Ахборот. 20.25 — Франция хотиралари. 21.15 — Пахтакорларнинг Октябрь олди рапортлари. 21.30 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. 22.30 — ТОШКЕНТ. Миллионлар иқтисодий университети. 22.40 — Саҳна усталари. Ўзбекистон ССР Халқ артисткаси **Зайнаб Садриева.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.30 — МОСКВА. 17.45 — Концерт. 18.15 — Қиноҳаваскорлар учун кўрсатув. 19.00 — Концерт. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Янгиликлар. 20.15 — Миллионлар ленинча университети. 20.45 — **Коцюбинскийлар оиласи** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. 20.50 — Врач маслаҳати. 21.20 — **Шамол** (бадиий фильм).

29 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Мультфильм. 18.40 — Ахборот. 18.50 — Пропагандист. 19.25 — Концерт. **Узбек тилида:** 20.05 — Ахборот. 20.20 — **Қизил альпинистлар** (телефильмнинг 4-серияси). 20.45 — Ўртоқ комсомол. 21.25 — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистка **Ҳадя Юсупова** куйлайди. 22.35 — **Яшил ҳалқачалар** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА. 17.35 — Китоб жовони. 18.05 — Жаҳон халқлари ижоди. 18.30 — Телефильм. 19.00 — Музикали кўрсатув. 20.00 — Сўнгги империя йўлларида. 20.30 — **Коцюбинскийлар оиласи** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.30 — Арт лото. 23.40 — **Федра** (фильм-балет).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. 20.40 — Тўлқинда-02. 21.10 — Марказий универмагдаги байрам олди рекламаси. 21.35 — **Комсомольск** (бадиий фильм).

30 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Дўстлик чаманзори (концерт). 10.40 — Ҳужатли фильм. 10.55 — МОСКВА. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — Оталаримиз жасорати. 17.30 — Ахборот. 18.00 — Москва. **Футбол:** «СПАРТАК» — «ТОРПЕДО». 19.45 — Шоир С. Кирсанов — студиямиз меҳмони. 20.00 — **Ҳайвонот оламида.** 21.30 — Музикали телефильм. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 15.50 — МОСКВА. 16.20 — Социализм дунёси. 16.20 — **Граф Монте-Кристо** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.30 — **Осмондан тушган беш киши** (кинофильм). 20.00 — Физкультура ва спорт. 20.40 — **«Ярим аср йилномаси».** 21.25 — Шарқ куйларидан концерт. 22.05 — **Одерда баҳор** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.10 — ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

31 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — «Светофор». 10.25 — Ўйлаб топ? 10.55 — МОСКВА. 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — «Войчечак». 17.30 — «Юлдузча». 18.00 — **Футбол:** «ПАХТАКОР» — «ЗАРЯ». 19.45 — **Довул** (теленовелла). 20.15 — Ахборот. 20.35 — Ҳинд кинофильмларидан куйлар. 21.10 — **Олэмга саёҳат.** 22.30 — «ОЛТИН ВОДИЙ».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 15.30 — МОСКВА. **Киносаёҳатчилар клуби.** 16.30 — **Граф Монте-Кристо** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 18.00 — Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун кўрсатув. 18.30 — Тележурнал. 19.00 — Эфирда «Молодость». 20.00 — Кинопанорама. 22.00 — Врач маслаҳати. 22.30 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Портретлар портрети. 24.00 — Концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — ТОШКЕНТ. 19.00 — Бокс мусобақалари. 19.20 — ФРУНЗЕ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469. 337221 Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 332258, Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 333142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.